

СТАЦИОНАР ШАРОИТДА АНТИГИПЕРТЕНЗИВ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИНОТИНИ ЎРГАНИШ

З.Ф.Умарова, Х.С.Зайнутдинов, Д.Т.Соипова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: стационар шaroитда даволанган беморлар учун сарфланаётган дори воситалари бўйича ABC ва VEN таҳлилини ўтказиш дори таъминотини такомиллаштириш йўналишларини белгилайди. Шу муносабати билан антигипертензив дори воситалари асосида ABC ва VEN таҳлилини ўтказиш мақсад қилиб қўйилди.

Усуллар: Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси дорихонасидан кардиология бўлимига артериал гипертензияни даволаш учун берилган дори воситаларининг ҳисоб-фактуралари асосида ABC ва VEN таҳлили ўтказилди.

Ҳисоб-китоб якунида истеъмол ҳажмига кўра дори воситалари гуруҳларга ажратилиб, ўрта ва қуйи даражадаги истеъмол гуруҳлари аниқланади. ABC-таҳлилни ўтказиш учун артериал гипертензияни даволаш учун берилган дори воситаларининг нархи, сони, қиймати, қийматнинг камайиши бўйича тартиби, қиймат кумуляцияси каби кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Натижалар: таҳлил асосида А-гуруҳга умумий харажатларнинг 70% и барча дори воситаларининг 16% ига тўғри келиши аниқланди. В-гуруҳига 20% харажат сарфланувчи дори воситалари кириб, улар умумий номенклатуранинг 25% ини ташкил қилади. С-гуруҳга умумий сарф-харажатларнинг 10% и тўғри келувчи 60% дори воситалари кириши аниқланди.

VEN – таҳлили дори воситаларини самарали қўлланишини баҳолаб, ABC таҳлил билан биргаликда ўтказилади, ҳамда таъминот муаммоларини ҳал этиш жараёнида уларни ҳаётий зарур (Vital), муҳим (Essential) ва иккинчи даражали (Non-essential) гуруҳларга ажратишга ва оқилona рўйхатларни тузишга ёрдам беради. VEN-таҳлили асосида антигипертензив дори воситаларининг 57% и V гуруҳига, 39% и E гуруҳига, 4% и эса N гуруҳига кириши аниқланди.

Хулосалар: стационар шaroитда даволанаётган беморларнинг антигипертензив дори воситалари билан таъминоти ABC ва VEN таҳлил усулида ўрганилди. Бу таъминотни такомиллаштириш йўналишлари белгиланди.